O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 16 апрель ЧОРШАНБА

№ 29 (12.040)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

2008 йил – Ёшлар йили

ГУЛБАҲОРНИНГ ҚУВОНЧИ

«ҒАЗАЛКЕНТ-ОЙНА» Ўзбекистон – Америка қўшма корхонасида ишлаб чиқариш кўламлари йил сайин кенгайиб бораяпти, янги маҳсулот турлари ўзлаштириляпти. Цехларни қайта ускуналаш, техника ва технологияларни янгилаш тадбирларида ёш муҳандис Гулбаҳор Пўлатова ҳам қатнашаётир.

– Ёшлар йилида қувончларим чексиз, – дейди Гулбаҳор. – Чунки корхонамиз йўлланмаси билан олий ўқув юртида билим олиб, эндиликда ишлаб чиқариш бўлимида меҳнат қилаётирман.

Корхонада бундай ёшлар оз эмас. Олий маълумот олиб, яна ўз жамоаларига қайтиб келган Эркин Наврўзов техника хавфсизлиги бўйича муҳандис, Зиёда Абдулхаева эса техника назорати бўлими бошлиғи бўлиб ишлашаётир.

Умуман, «Ғазалкент-ойна»да бугун 130 нафар йигит-қиз меҳнат қилиб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Ёшлар йилида уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, 68 та ёш оиланинг турмуш даражасини кўтариш тадбирлари амалга оширилаётир. Иш жойлари шаҳодатланиб, дам олиш хоналарида янги-янги қулайликлар яратилмоқда. Ишчилар учун 11 миллион 700 минг сўмлик иш кийимлари олинди.

Жўрабек МУРОДОВ.

СУРАТДА: ёш муҳандис Гулбаҳор Пўлатова.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ИНСОН омили, меҳнаткашларнинг, энг аввало, навқирон авлоднинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шароитлар яратиш, маълумки, ҳар қандай жамият барқарор равнақ топишини таъминлашнинг ҳал қилувчи шартидир.

ТАРБИЯГА ЭЪТИБОР – ҲАМИША МУҲИМ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) минтақавий идораси билан биргаликда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тегишли доимий комиссиялари раислари учун ташкил этган семинар-тренинг худди шу масалаларга бағишланди.

Семинарда қайд этиб ўтилганидек, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш, шунингдек ҳар бир йигит-қиз ўзлигини тўла намоён этиши учун қулай шароитлар яратиш давлатимиз изчиллик билан ўтказиб келаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Ҳар тарафлама камол топган, билим-маърифатли ва соғлом авлодни тарбиялаш мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ёшларга оид сиёсатнинг устувор йўналишлари, шунингдек "Ёшлар йили" Давлат дастурининг давлат бошқарув органлари ва жамоат бирлашмалари томонидан амалга оширилиши жараёнини иштирокчилар аниқ мисоллар асосида муҳокама этдилар. Мамлакатимизнинг маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари депутатлари вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ўсиб келаётган авлодни билимли қилиш масалаларида жаҳон тажрибаси билан танишдилар, шунингдек, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати самараларидан воқиф бўлдилар. Бунда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, ёшларнинг тарбияси ва таълими учун киритилган инвестициялар стратегик аҳамиятга эга, негаки келгусида у яхши самара беради: бинобарин, соғлом ва маърифатли авлод оилагагина эмас, балки жамиятга ҳам фойда келтиради.

Тадбирда сенаторлар, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг оила, хотин-қизлар ва ёшлар ишлари бўйича доимий комиссиялари, шунингдек БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), жамоат бирлашмалари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

ЎзА.

Вилоят ҳаёти

ИШ ЎРИНЛАРИ 400 ДАН ОШАДИ

«ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик бирлашмаси Бўка туманидаги Ғаффор Азаматов номли фермерлар уюшмасининг собиқ хўжалик идораси биносини тикувчилик корхонаси учун мослаштирмоқда.

Бирлашма эҳтиёжи ва аҳоли буюртмаси асосида кийим-кечаклар тайёрлайдиган бу корхонада иш уч сменада ташкил этилиб, жами 400 дан зиёд киши меҳнат қилади. Шунингдек, «Дўстлик» фермерлар уюшмасидаги қўл ўрнида бирлашма маблағи ҳисобига балиқчилик хўжалиги барпо этиляпти.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

АНЪАНАВИЙ ТУРНИР

ЧИРЧИҚ шаҳрида Ўзбекистон ёқилғи энергетика кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши соврини учун кураш бўйича анъанавий турнир ўтказилди.

Ўнинчи бор ўтказилган мазкур турнирда беллашувлар уч босқичда олиб борилди. Аввалига меҳнат жамоалари, туман, шаҳар ва Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида ўтган икки босқичда ғолиб бўлганлар финал йўлланмасини қўлга киритди. Тадбир мунтазам равишда ташкил этиб келинаётгани туфайли ҳам унинг қатнашчилари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Беллашувларда 81 ва 91 килограммгача ва ундан ортиқ бўлган вазн тоифасида қашқадарёликлардан Зафар Бўриев, Шерали Жўраев, Фазлиддин Мелиев шоҳсупага кўтарилди. Уларнинг маҳорати кўчма кубокни бу йил ҳам ўзларида сақлаб қолиш учун замин яратди.

"Туркистон-пресс".

ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислом Каримовнинг 2008 йил 3 мартда қабул қилинган "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги Қарорига асосан Тошкент вилоятида ҳам бир гуруҳ йигитлар ҳарбий хизматга кузатилди.

Шу муносабат билан вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг йиғин пунктида ўтган тантанали маросимда ҳарбийлар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Унда сўзга чиққанлар мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш ёшларимиз учун том маънодаги шон-шараф ишига айланиб бораётгани, мамлакатимизда йигит-қизларнинг ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб вояга етишига катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаб, муддатли ҳарбий хизматга отланган ўғлонларга оқ йўл тиладилар.



– Туғилиб ўсган она Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир йигит учун муқаддас бурч, – дейди Бўстонлиқ туманидан чақирилган Шавкат Йўлдошев. – Тенгдошларим қатори ана шу бурчни ўташ учун жўнаб кетаётганимдан хурсандман. Эндиги ниятим яқинларим, командир ва бошлиқлар ишончини оқлашдир.

Тадбир сўнгида бўлажак Ватан ҳимоячиларига "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

ЎзА.

КАСАНАЧИЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ Ислом Каримовнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони иш билан банд бўлмаган аҳолини меҳнатга жалб этиш имконини бермоқда.

Чирчиқ шаҳрида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар Бандликка кўмаклашиш маркази маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 130 нафарга яқин киши касаначилик асосида ишга жалб этилган. Уларнинг аксарияти "Ўзбеккимёмаш", "Максам-Чирчиқ" очиқ акциядорлик жамиятлари, "Бурсел-Тошкент-текстиль" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида меҳнат қилмоқда.

2006 йилдан буён шартнома асосида уйида меҳнат қилаётган қўли гул уста Ойбек Мухторов "Чирчиқнон" очиқ ҳиссадорлик жамиятининг касаначиларидан бири.

– Айни пайтда нон ташишга мўлжалланган турли ўлчамдаги яшиклар ясаш ва яроқсиз ҳолга келиб қолган шундай идишларни таъмирлаш билан бандмиз, – дейди у. – Бундан ташқари, қўшимча даромад топиш мақсадида ёғочга ишлов бериш ишлари билан ҳам шуғулланаман. Бўш вақтларимда ёшларга дурадгорлик сир-асрорларини ўргатяпман.

Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири.

Вилоят ҳаёти

МАҲАЛЛАГА КЎРК

– Ҳар биримиз ўзимиз яшаб турган маҳаллани ободонлаштириш, кўркамлаштиришни истаймиз, – дейди Чирчиқ шаҳридаги Шодлик маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Мақсуда Санаева. – Куни кеча Амир Темур номли кўчада орасталик ҳашари ўтказдик. Унда 300 одам қатнашди. Ариқларни тозалаб, 4,5 тонна чиқинди махсус белгиланган жойга олиб бориб ташланди, дарахтлар оқланди.

Ободонлаштириш ишларида Малика Зокирова, Наргиза Саидова сингари келинчаклар қаторида 83 ёшли Амина Гиниятулина, Мастура Эрматова, 70 ёшли Нина Ерискина ҳам алоҳида ғайрат кўрсатишди.

Юсуф ЖУМАЕВ.

ЭЛЛИК МИЛЛИОН СЎМЛИК ГРАНД

Зангиота туманидаги Хонобод қишлоқ шифокорлик пунктига Япония давлати гранти асосида эллик миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар келтирилди. Хусусан, терапевт, педиатр, гинеколог ва бошқа шифокорлар учун зарур бўлган тиббий ускуналар ва лаборатория жиҳозлари беморлар учун ҳам қулайликлар яратади.

Равшан РУСТАМОВ.

ФОЙДАЛИ МЕҲНАТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНСАМ

Ўртачирчиқ туманида аёллар касаначилик маркази ташкил этилганлигидан кўпчиликнинг хабари бор. Яқинда марказ инкубаторига очиш учун 15 минг дона тухум қўйилди. Ўн кунлар ичида ушбу тухумлардан соғлом жўжалар чиқиши кутилаяпти. Лойиҳага кўра, жўжаларнинг дастлабкиси Оққўрғон, Пскент, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ туманларига тарқатилади.

Шу муносабат билан Пскент тумани ҳокимлигида хонадон ҳоҳибалари учун ўқув-семинар ташкил этилди. Унда паррандачилик орқали касаначилик соҳасини ривожлантириш ҳамда ишсиз аёлларни уй меҳнати билан шуғулланишга жалб этиш бўйича фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Шунингдек, товуқ ёки жўжа боқиш шунчаки оддий юмуш бўлмай, унинг ҳам ўзига хос мақсад ва аҳамияти борлиги таъкидланди.

– Мен анчадан бери уйда ўтираман, – деди Гулчеҳра Ғофуржонова. – Болалар тарбияси ва бошқа уй юмушларидан ташқари ижтимоий фойдали юмуш билан шуғулланишни жуда-жуда истардим. Бу семинарга келиб, нафақат ўзим қидирган ишни топдим, балки уй бекалари ҳам жамиятимиз учун керакли эканлигини тушуниб етдим.

Семинар давомида 10 дан зиёд аёл касаначилик билан шуғулланиш истагини билдирди. Уларга мутахассислар томонидан керакли тавсия ва маслаҳатлар берилди.

Хуршида НАЗАРОВА.

СУРАТЛАРДА: семинардан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

2008 йил учун обуна давом этмоқда

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ – АМАЛДА

ТОШКЕНТДА "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси томонидан ташкил этилган тармоқ саноат ярмаркаси ўз ишини бошлади. Ярмаркада "Ўзбекнефтгаз" компанияси таркибига кирувчи барча акциядорлик компаниялари иштирок этмоқда.

Улар томонидан намойиш этилаётган тайёр маҳсулотлар намуналари, бутловчи қисмлар ва материаллар юқори қўшимча қийматга эга ҳамда экспортбоплиги билан эътиборни тортади.

Тармоқлараро кооперация муваффақиятини "Ўзнефтегазмаш" акциядорлик компанияси фаолияти мисолида кўриш мумкин. Ушбу компания ўз эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш билан бир қаторда машинасозлик соҳаси учун ҳам буюмлар ва бутловчи қисмлар тайёрлайди. Айни вақтда Андижон машинасозлик заводи, "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, "ЎзЭксайд" қўшма корхонаси, "Наманганмаш" очиқ акциядорлик жамияти, Тошкент асбобсозлик заводи, "Гидравлика" очиқ акциядорлик жамияти ва бошқа корхоналарда буюртмаларини жойлаштиради. "Ўзбекнефтгаз"нинг бошқа акциядорлик компаниялари ҳам турли саноат корхоналари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Кўргазмада холдинг акциядорлик компаниялари бўлажак ҳамкорларига ишлаб чиқарилаётган турли товарлар, буюмлар ва бутловчи қисмларни таклиф этди. Тармоқ саноат ярмаркасини бир ҳафта давомида республикамизнинг турли шаҳарларида ҳам ўтказиш, ҳамкорлар билан музокаралар олиб бориш ва истиқболда амалга ошириладиган шартномалар тузиш кўзда тутилмоқда.

ЎзА.

ТИББИЙ ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

ИККИНЧИ Республика тиббиёт коллежида соғлиқни сақлаш тизимидаги таълим муассасаларида "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган ишлар, малакали, билимли, миллий истиқлол ғояларига садоқатли авлодни камолга етказиш борасидаги вазифаларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда олимлар, профессор-ўқитувчилар, маънавият-маърифат соҳаси ходимлари ва журналистлар иштирок этди.

Мамлакатимизда тиббиёт йўналишига ихтисослашган 10 та олий ўқув юрти, 72 касб-ҳунар коллежи ва 8 академик лицей фаолият юритмоқда. "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, тиббий таълим тизими тубдан ислоҳ этилаётир. Соҳа таълим даргоҳларида қўлланиладиган янги давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди, шу асосда замонавий ўқув-услубий қўлланмалар яратилди. Тиббиёт олий ўқув юртлари ва коллежларда бугунги кун талабларига мос мутахассислар тайёрлаш тизими шакллантирилди.

Анжуманда бу борада "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган ишларни ҳаётга кенг татбиқ этиш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, иқтидорли, изланувчан, ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг салоҳиятини янада ривожлантиришга кўмаклашиш, талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, таълим ва тарбия жараёни узвийлигини таъминлаш борасидаги вазифалар юзасидан атрофлича фикрлашилди.

ЎзА.

Ҳаёт ва дунё

ЖАНУБИЙ Кореянинг Чолла-Намдо ва Чолла-Пукто туманларидаги фермаларда Эйч5-Эн1 штаммли парранда гриппи вируси аниқланди. Маълумотларга кўра, вирус ўттиздан зиёд паррандачилик хўжалигида қайд этилган. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, жорий йилда мамлакатда вирус туфайли 1,3 миллиондан зиёд парранда йўқ қилиб ташланди.

Вирус тарқалган жойларда карантин эълон қилинди.

ЛОНДОНДА халқаро китоб ярмаркаси очилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Унда юздан зиёд мамлакатдан йигирма беш мингга яқин ёзувчи, шоир, адабий танқидчи ва журналист иштирок этмоқда. Кўргазмани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад нашриёт ишини ахборотлаштиришдан иборат.

Ярмарка доирасида кўплаб китоб ва қўлланмаларнинг тақдимоти бўлиб ўтади.

СОМАЛИНИНГ Марка шаҳридаги кинотеатрлардан бирида содир бўлган портлаш оқибатида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди, йигирмага яқин одам оғир жароҳатланди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, кучли портлаш натижасида кинотеатр атрофидаги биноларга ҳам катта зарар етган.

Айни вақтда воқеа юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

ЛОНДОНДАГИ "Сотбис" савдо уйида машҳур инглиз рассоми Фрэнсис Бэконнинг (1909-1992) "Триптих 1976" асари сотувга қўйилди. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, унинг баҳоси етмиш миллион АҚШ долларидан ошиши кутилмоқда.

Маълумотларга қараганда, бундан аввал Бэконнинг энг қиммат асари 39,8 миллион долларга баҳоланган.

ЎзА.

Куч – адолатда

ЖИНОЯТДАН ЖИНОЯТНИНГ ФАРҚИ БОР

ЎЗБЕКИСТОН ўз мустақил тараққиёт йўлига ўтиши билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, тижорат билан шуғулланувчиларга кенг йўл очиб берилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қабул қилинаётган қонунларга ҳурмат билан қараб, уларга тўла риоя қилинмоғи лозим.

Аммо, бугун тижорат ишига, ишбилармонликка қўл урганлар орасида, ўз манфаати йўлида имонидан кечиб, тўкинлик ва барқарорлигимизга путур етказаётган «ишбилармон»лар ҳам учраб турибди. Бекободлик фуқаро Бувзайнаб Исмоилова илгари жиноят содир этиб судланган, лекин бундан тегишли хулоса чиқариб олмади. Ўтган йили яна 28 миллион сўмликдан зиёд сифат сертификатисиз, ишлаб чиқарилган жойи ва санаси кўрсатилмаган озиқ-овқат маҳсулотларини божхона назоратини четлаб, яширин йўллар билан юртимизга олиб кирди. Миллий хавфсизлик хизмати ва божхона хизмати ходимлари уни жиноят устида қўлга олиб, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 182-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан жиноят иши қўзғатишди. Дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилиб, иш судга оширилди. Суд далилий ашёларни давлат ҳисобига ўтказиб, Исмоиловага нисбатан шартли жазо тайинлади.

Лекин ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам борки, уларга юзаки, расмиятчилик билан ёндашиш жамият ва давлатга зиён келтиради, холос. Зебо Ёдгорова билан Ораста Тўхтабоева устидан қўзғатилган жиноий ишни кўриб чиқиш чоғида бу яққол намоён бўлди. Бўка туман давлат солиқ нозирлиги ўтказган текшириш натижаларига кўра бу фуқаролар назорат қилинмайдиган даромад олишда айбланиб, тўрт дона тикув машинасини давлат ҳисобига ўтказиш хулосаси билан судга берилган эди.

Ишни кўриб чиқиш жараёнида аниқландики, бу тадбиркорлар кийим-кечак тикув цехи очиб, икки йил мобайнида қишлоқ қизларига ҳунар ўргатиш билан шуғулланишган. «Ҳунарманд» уюшмасининг аъзоси, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зебо Ёдгорова бу хайрли хизматлари учун «Ўзбекистон мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан тақдирланган.

– Бу ишларимиздан бирон ғаразли манфаат кутмаганмиз, – деди судда Зебо Ёдгорова. – Сотилган кўйлакларни тикиш учун олинган 3000 сўмлик хизмат ҳақини ҳам асосий ҳолларда ишни юритишга, ёшларга ҳунар ўргатишга, материал ва тикув машиналари учун эҳтиёт қисмлар сотиб олишга сарфлаганмиз.

Бошқа далиллар ҳам юз берган ҳолатни жамият учун хавфсиз эмас деб топишга етарли асос бергани учун суд мазкур жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатиш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 65-моддасига асосан Зебо Ёдгорова билан Ораста Тўхтабоевани жавобгарликдан озод этишга қарор қилди. Далилий ашё тариқасида олинган тўрт дона тикув машинасини қайтариш мақсадга мувофиқ деб топилди.

– Халқинг учун, юрт учун қилган эзгу ишларинг қадрланаркан, эътиборга олинар экан, – деди ҳунарманд-устоз Зебо Ёдгорова суд мажлиси якунида. – Биз фаолиятимизни қонунлаштириб, ёшларимизни миллий ҳунармандчиликка ўргатишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизни яна ҳам кенгайтирамиз.

Жиноятдан жиноятнинг фарқи бор. Шу ўринда биз ҳам юртпарвар, тиниб-тинчимас, одамларнинг кувончи ва ташвиши билан ҳамоҳанг яшаётган бу икки аёлга нисбатан жиноят қонунчилигининг инсонпарварлик тамойиллари асосида одиллик кўрсатганимиздан қониқиш ҳосил қилдик. Зеро, бир марта қилинган адолат қирқ кунлик тоат-ибодат билан баробар деб бежиз айтишмаган. Бу йўлда давлатимиз томонидан суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида олдимизга қўйилаётган вазифаларни бажаришга, одил судловни оқилона амалга оширишга қатъий ҳаракат қилаверамиз.

Ойбек ИСМОИЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Бўка туман суди раиси.

СУРАТДА: фермер Абдулла Шодиев.

Зиёвуддин ҲОЛИҚОВ олган сурат.

Мулкдор

АБДУЛЛА ФЕРМЕРНИНГ БОҒЛАРИ

ЗАРКЕНТНИНГ меваю узумлари довруғини эшитмаган, бу ширидан-шакар неъматлардан тотиб кўрмаган киши бўлмаса керак. Айниқса, ер ўз эгалари қўлига ўтгач, фермерлар оила аъзолари билан эртаю кеч токзорларга, боғларга ишлов бериш, парваришлаш, дорилаш каби юмушларни сидқидилдан бажармоқдалар.

Паркент туманидаги «Заркент қаҳрамони» агрофирмасига Маъруфжон Одилов раҳбарлик қилмоқда. Аввалларидан бош ҳосилот бўлиб, 25 йил давомида Ўзбекистон Қаҳрамони Тожибой Ризаев (марҳум) билан ёнма-ён ишлаб, кўп илм-тажриба эгаллаган Абдулло Абдиев ҳозирги кунда 680 та фермер хўжаликларига бош ҳосилот сифатида 1030 гектарда узум, 250 гектарда мевали боғ, 1100 гектар ерда ғалла, 300 гектардан зиёд озуқа экинларини ўз вақтида парваришлаш, ишлов бериш, дорилаш, ерларни озуқалаш каби қатор ишларга бош-қош бўлиб келмоқда. Агрофирма томонидан фермерлар учун зарур бўлган, ўғитлар, уруғликлар, мевали дарахт кўчатлари, агротехник воситалари ўз вақтида муҳайё қилинмоқда.

Собиқ ширкатда 20 йилдан зиёд бригадир бўлиб фаолият кўрсатган, хилма-хил узум навларини етиштириш бўйича мутахассис даражасига етган Абдулла Шодиев ҳам 2 йилдирки, 36 гектар ер олиб, 7 фарзанди билан фермерлик ҳаракатини бошлади. «Шодиев Абдулла» фермер хўжалигида ҳозирги кунда 29 гектар лалми ерда ғалла етиштирилаяпти, 4,5 гектар узум, 1,8 гектар ерда мевали боғ барпо этилган.

Боғларда олманинг Голден, Семиренко каби навлари, ўрик, гилослар ҳосил тугаяпти. Бир томонда Тоифи, Кишмиш, Баяншире, Мускат каби турли узум навлари парвариш қилинмоқда.

– Ўтган йили боғимиздан 10 миллион сўм соф фойда олдик, – дейди фермер. – Мана кўриб турибсиз, дала шийпони ҳам қуриб олдик. 5 қиз, 2 ўғилни уйли-жойли қилдик, асосий ёрдамчиларим – фарзандларим, қолаверса, 20 та неварамнинг ҳам қўлидан иш келиб, яқиндан кўмак беришмоқда. Ҳисоб-рақамимда шу кунларда 5 миллион сўм маблағим бор. Керакли техникалар ўзимизда мавжуд.

Бу йил об-ҳаво боғдорчилик учун яхши келаяпти, мева-чева мўл бўлади.

Раҳимжон ОРИПОВ.

МИЛЛИЙ ЭСТРАДА РИВОЖИГА ЭЪТИБОР

ПОЙТАХТИМИЗДА Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгашнинг 2007 йилдаги фаолияти якунлари кўриб чиқилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ўтган йили эстрада санъатини янада ривожлантириш, истеъдод соҳиблари-нинг профессионал малакаси, ижро маданиятини ошириш, ёш санъаткорларнинг ўз қобилиятини кенг намоён этиши учун қулай шароит ва имконият яратишга қаратилган муайян ишларни амалга оширганлиги айтиб ўтилди. Ёш санъаткорларни қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама рағбатлантириш, мазмунан теран, бадиий юксак мусиқий асарларни кенг тарғиб этиш, миллий қадриятларимизга зид, ёшларнинг маънавий камолотига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган саёз, бачкана қўшиқлар пайдо бўлишининг олдини олиш масаласига эътибор янада кучайди.

Шунингдек, мажлисда санъаткорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бирга мазмунан саёз қўшиқлар пайдо бўлишининг олдини олиш, гастрол-концерт фаолиятини такомиллаштириш, телевидение ва радиоканаллар орқали эфирга узатилаётган асарларга талабчанликни янада ошириш лозимлиги таъкидланди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ЎзА.

Фармон ва ижро

Ўзбек бойиса, уй қуради, тўй қилади деган гапда жон бор. Азалдан шундай бўлиб келганки, юртдошларимиз иморат солиш ёки бошқа ҳаётий орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун астойдил ишлаб, бир неча йиллар давомида пул тўплайдилар. Илгари бу пулларни уйда, яъни кўрпанинг орасида сақлашган бўлса, кейинчалик бизнинг мамлакатда ҳам банк тизими ривожлана бошлагач, ўз жамғармаларини турли банк омонатларига қўйиб, кўпайтиришга одатландилар.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда тижорат банклари фаолияти жаҳон молия тизими андозалари даражасида ривожланиб, аҳолининг турли табақалари вакилларига исталган йўналишдаги банк хизматларини таклиф этмоқда. Халқ манфаатларини ўйлаб қабул қилинган «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу йўналишда тижорат банклари учун дастуриламал бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида Низом» эса, «Ипотека тўғрисида»ги Қонуннинг бутун республика бўйлаб кенг қўламда «ишлаши» учун янада қулай имкониятлар яратиб берди.

Юртбошимизнинг юқоридаги Фармони ижроси бугунги кунда нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, ипотека ва истеъмол кредити олишга, айниқса, ёш оилалар кўпроқ эҳтиёж сезадилар. Биринчидан, улар аввало, алоҳида уй-жойга эга бўлишлари лозим. Иккинчидан, янги уй жиҳозлари сотиб олишлари, ўз рўзғорларини мустақил тебратишлари зарур бўлади. «Ипотека банк» Бекобод шаҳар филиали бу масалани тўғри тушунган ҳолда ёш оилаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун мавжуд барча имкониятлардан тўла ва самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

Республика Президентининг Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низом асосида «Ипотека банк» шаҳар филиали 2007-2008 йиллар мобайнида бир қатор ёш оилаларга 290 миллион 791 минг сўм ипотека ва истеъмол кредити ажратди. Бунда кредит олиш истагини билдирган оилалардаги ҳақиқий аҳвол ҳар томонлама ўрганилиб, энг муҳтожларига устуворлик берилди.

– Шундай янги ёш оилалар ҳам борки, улар шахсий уй-жойларига эгалар-у, аммо уни жиҳозлашга келганда, қўллари қисқалик қилиб қолади, – дейди «Ипотека банк» Бекобод шаҳар филиали бошқарувчиси А. Чинтошев. – Бундай ҳолатда истеъмол кредити уларнинг мушкулини осон қилади. Таъкидлаш жоизки, филиалимиз ходимлари жойларда олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишлари туфайли ипотека ва истеъмол кредити олиш истагида мурожаат қилаётган фуқаролар тобора кўпайиб бормоқда.

Аҳолининг ўз пул маблағларини оқилона тасарруф этишларига катта ёрдам берадиган банк хизматларининг яна бир қулай тури пластик карточкалардан фойдаланишдир. Пластик карточкалар фуқароларни ўз пулларини уйда сақлаш ҳамда у-бу нарса харид қилиш учун шаҳар ёки туман савдо марказларига кўп миқдорда нақд пул кўтариб бориш ташвишидан халос этади. Яъни, сотиб олган нарсалари учун ҳисоб-китобни пластик карточка ёрдамида терминаллар орқали қилаверадилар. Пластик карточканинг энг фойдали жиҳати шундаки, унда сақланаётган пулга белгиланган миқдорда фоизлар ёзиб борилади. Яъни, карточка эгасининг пули ўз-ўзидан кўпайиб бораверади.

Буни, бошқарувчи А. Чинтошев таъкидлаганидек, пластик карточкалардан фойдаланиш Бекобод шаҳар аҳолиси ўртасида тобора оммалашиб бораётганидан яққол кўриш мумкин. Бугунги кунгача шаҳар аҳолисига тарқатилган ва изчил фойдаланилаётган пластик карточкалар 16 минг 100 тадан ошди. Шуниси қувонарлики, улар орқали ўтказилаётган турли тўлов пуллари ҳам йил сайин эмас, ой сайин ортиб бормоқда.

Демак, айтиш мумкинки, «Ипотека банки» филиали шаҳар аҳолисининг коммунал тўловларидан қарзларини камайтириб боришга ҳам амалий ҳисса қўшмоқда. Ҳозир Бекобод шаҳар савдо ва коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларида ўрнатилган 26 та терминалдан пластик карточка эгалари мамнуният билан фойдаланишмоқда.

– Энг муҳими – мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларнинг эзгу орзулари ушалаяпти, – деди провардида А. Чинтошев. – Бунда бизнинг ҳам ҳиссамиз борлиги ходимларимизни янада самаралироқ ишлашга руҳлантирмоқда. Бинобарин, ипотека ва истеъмол кредитлари беришни кўпайтириш ҳамда пластик карточкаларни аҳоли ўртасида янада кенг оммалаштириш учун бор имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилаверамиз.

Яна бир гап. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Ипотека банк» омонатчиларининг маблағлари дахлсизлиги давлатимиз раҳбарининг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни билан кафолатланган.

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ҲАРБИЙЛАР ҲУЗУРИДА

«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими «Ёшлар йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Чирчиқ шаҳридаги Офицерлар уйида «Гиёҳвандлик ва ОИТСнинг салбий оқибатлари» мавзуида аскар ва офицерлар иштирокида учрашув ўтказди.

Тадбир вилоят хотин-қизлар қўмитаси, СПИД маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Учрашув давомида гиёҳвандлик ва ОИТСнинг жамият учун қай даражада хавф туғдираётганлиги, уларнинг сабаб ва оқибатлари, олдини олиш чора-тадбирлари хусусида маърузалар тингланди. Сўнгра 2 қисмдан иборат «Ўлим сўқмоқларида» видеоролиги намойиш этилди.

Тадбир якунида жамғарма томонидан махсус дастур доирасида ҳарбий йигитларга замбуруғ, шамоллаш, қон босими ҳамда аллергик касалликларга қарши қўлланадиган турли дори-дармон воситалари топширилди.

Феруза ТЎРАЕВА.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Ангрен шаҳар судининг 07.03.2008 йилдаги 1228/08-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ангрен шаҳар ИХХБ ЙПХ жарима майдоннасида сақланаётган, «Тико» русумли, д/р X796BDN сўлган, 1996 йилда и/ч, автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 3 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2008 йилнинг 20 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

II. Шунингдек, 2008 йил 6 май куни соат 11:00 да такроран бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, 2007 йил 24 декабрдаги 8890-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Оҳангарон тумани, Нўғайқўрғон қишлоғида жойлашган, майдони 530,70 кв.м. бўлган, икки қаватли «Умумий овқатланиш ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш» биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 194 108 000 сўм.**

Автотранспорт воситаси ва кўчмас мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТ «Ипотекабанк»нинг С. Раҳимов ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105.

Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўч., 1-А уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА – ИНСОН МАНФААТИ

«Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририяти билан Ўзбекистон Касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг қўшма корхоналарда касаба ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати

Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда туб ислоҳотларни амалга ошириш, янгича ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантиришга кўмаклашиш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш билан боғлиқ вазифалар касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларига айланди. Нодавлат мулк шакллари тобора ривож топаётган, хориж сармоялари иштирокидаги корхоналар кўпайиб бораётган бир пайтда меҳнаткашлар, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя қилиш давлат бошқаруви, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ижтимоий шерикчилиги тобора муҳим ўрин тутаётир. «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририяти билан Касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташкил этган давра суҳбати ҳам қўшма корхоналарда ишловчиларни ҳимоялаш, бу борадаги қонунларга амал қилинишини таъминлаш масалаларига бағишланди.

Давра суҳбатида вилоят касаба ташкилотларининг етакчилари, бир қатор қўшма корхоналар касаба қўмиталарининг раислари иштирок этишди. Асосий эътибор қўшма ва хориж сармояси иштирокидаги бошқа корхоналарнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни, уч томонлама ижтимоий ҳамкорлик, корхона эгалари билан ишловчиларнинг меҳнат муносабатлари, ишловчилар, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг долзарб масалаларини ҳал этишда касаба идоралари мавқеини кучайтириш масалаларига қаратилди.

ИҚТИСОДИЙ РАВНАҚ ТАЯНЧИ

М. Тўлаганова: Вилоятимиз иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш ва макроиқтисодий барқарорликка эришишда нодавлат секторнинг аҳамияти йилдан йилга ортиб бораяпти. Ҳозирги пайтда ялпи ички маҳсулотнинг 95,8 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келаётир. Иқтисодиётда банд бўлган ишчи-хизматчиларнинг 85,4 фоизи шу сектор корхона, ташкилот ва муассасаларида меҳнат қилмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулотларнинг 99, саноатда 98,8 фоизи ишлаб чиқариляпти. Қурилиш ишларининг 75,8 фоизи шундай корхоналар ҳиссасига тўғри келяпти.

Б. Мирзаев: Мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар шунга олиб келдики, бугунги кунда савдо ва пуллик хизматлар кўрсатиш соҳаларида нодавлат корхона ва ташкилотлар етакчи ўринга чиқиб олди. Чакана савдо айланмасининг 99,8 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда эса бу кўрсаткич 90 фоизга яқинлашиб бормоқда.

Б. Абдуллаев: Нодавлат секторда қўшма ва хориж сармояси иштирокидаги корхоналарнинг улуши салмоқли ўрин тутаяпти. Масалан, бизнинг «Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамиятимизни олайлик. Бир йил илгари жамиятимизнинг 49 фоиз акцияси Испаниянинг «MAXAM CORP SAU» корпорациясига сотилгач, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, технологияларни янгилаш ва мукаммаллаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишга киришилди. Корхона маъмурияти меҳнат шароитларини яхшилаш, унумдорлик ва маҳсулот сифатини ошириш мақсадларини кўзлаб, таъмирлаш-созлаш ишларини режали амалга ошириб бормоқда.

Т. Норматов: Дарҳақиқат, хориж сармояси корхонада техника ва технологияни янгилаш, меҳнат шароитларини яхшилашда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Бизнинг заводимиз «Ғазалкент-ойна» Ўзбекистон-Англия қўшма корхонаси сифатида қайта ташкил этилгач, технологияни такомиллаштириш натижасида маҳсулот тури кўпайди, унинг сифати яхшиланиб бормоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш аввалги йилдагидан 2,93 баробар ошди. Бир миллион 574 минг квадрат-метр ойна ишлаб чиқарилиб, 5 миллиард 106 миллион сўмликка яқин маҳсулот сотилди. Охирги уч йил ичида гулли ва қорайтирилган ойналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

М. Тўлаганова: Вилоятимизда 270 та хорижий инвестицияли корхона рўйхатга олинган.

Ҳозирги пайтда уларнинг 266 таси фаолият кўрсатмоқда. Бу корхоналар ўтган йили 318,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди ва хизмат кўрсатди. Уларнинг ташқи савдо айланмаси 287,9 миллион долларни ташкил этиб, ижобий қолдиқ 71 миллион долларга етди.

ҚОНУНЛАРИМИЗ – ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК АСОСИ

Ишлаб турган қўшма корхоналарнинг 57 таси ўз маҳсулотларини хорижга сотмоқда. Уларда экспорт ҳажми бир йилда уч баробар ортиб, деярли 180 миллион долларга етиб борди.

Кўриниб турибдики, хорижий сармояли корхоналар сафи кенгайиб, уларнинг вилоятимиз иқтисодиётидаги салмоғи йил-сайин ортиб бораяпти. Шу муносабат билан касаба идораларимиз бундай корхоналарда ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятларини янада такомиллаштиришлари лозим.

М. Тўлаганова: Маълумки, мамлакатимизнинг Асосий Қонуни – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мулкчилик шаклидан қатъи назар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини белгилаб беради. Улар тегишли қонунларда ўзларига берилган ҳуқуқлар ва кафолатлар асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиб, ишончли ҳимоя қилмоқдалар.

Бугунги кунда қўшма ва хорижий сармояли корхоналарда фаолият юритаётган касаба ташкилотларимиз 14 мингдан зиёд аъзони ўз сафларига бирлаштирган. Кўпгина қўшма корхоналарнинг касаба қўмиталари меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш масалаларини ишлаб чиқариш ҳажми ва даромадларнинг ошиб бораётганлигига мутаносиб равишда ҳал қилиш учун қонунларимиз, бошқа қонуности ҳужжатлари ва иш берувчилар билан тузилган битим ҳамда шартномаларда кўзда тутилган меъёрларга амал қилинишига эришаётир. Шу ўринда савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси вилоят кенгаши муайян ишларни амалга ошираётганлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Б. Мирзаев: Ҳозиргача 17 та қўшма корхонада тармоқ касаба уюшмасининг бошланғич ташкилотини туздик. Бу корхоналарда 1748 ишловчи меҳнат қилмоқда.

Т. Норматов: «Ғазалкент-ойна»нинг 17 та цех ва бўлимларида касаба ташкилотлари ва гуруҳлари 576 ходимнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилмоқда. Касаба қўмитаси эса, корхона маъмурияти билан биргаликда ишлаб чиқиб, қабул қилинган жамоа шартномаси талаблари асосида иш жойларида техника хавфсизлиги талабларига риоя этилишини таъминлаш ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш, иш унумини ошириш, масалаларини ҳал қилишда бевосита фаол иштирок этаётир. Бу йил меҳнат хавфсизлиги бўйича тузилган келишувда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун 84 миллион сўм ажратилди.

С. Умарова: Бизнинг корхонамиз кичкина, камсонли. Умумтаълим мактаблари ва коллежлар учун ўқув воситалари ва кўргазмали қуроллар ишлаб чиқарамиз. Ходимларимизнинг муайян қисми соғлиқ учун зарарли жойларда меҳнат қилишади. Шу боис касаба қўмитаси меҳнат муҳофазаси масаласини ҳамиша диққат марказида тутмоқда. Ҳар чоракда иш жойлари ҳолатини жамоатчилик тафтишидан ўтказамиз, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилий-техникавий таклифлар киритамиз. Жамоа шартномасида иш берувчининг меҳнат шароитини яхшилаш борасидаги вазифалари, бунинг моддий асослари аниқ-равшан белгилаб қўйилган.

Қ. Усмонова: Ижтимоий шерикчилик тамойили ходимлар меҳнати оқилона баҳоланиши ва муносиб ҳақ тўланишини таъминлашда асосий ўрин тутаяпти. «Интер-Роҳат» қўшма корхонасида ўтган йили меҳнат ҳақи учун 92 миллион 949 минг сўм сарфланди. Жамоа шартномасида кўзда тутилган турли қўшимча ва устама тўловлар эса, 13 миллион 469 минг сўмга етди. Ходимларимиз йил якуни бўйича 289 миллион 399 минг сўм мукофот олишди.

Бизда иш хусусияти ва бошқа омиллар эътиборга олиниб, ходимларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътил кунлари белгиланган. Шу имтиёзни молиявий жиҳатдан таъминлаш учун ўтган йили маъмурият 16 миллион 235 минг сўм сарфлади.

М. Тўлаганова: Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланиши ходимлар турмуш даражаси ошиб боришини таъминлайди. Ижтимоий-иқтисодий манфаатлар ишончли ва тўла ҳимояланиши қонунлар ва жамоа шартномалари талаблари оғишмай бажарилиши, бунинг учун эса, касаба қўмиталари билимдонлик ва қатъият билан иш олиб боришларига боғлиқ. Бугунги кунда «Максам-Чирчиқ», «Ғазалкент-ойна», «Конвин», «Голденвинг», «Бўстонлиқ сут», шунингдек, Оҳангарон шаҳри, Зангиота, Қибрай, Тошкент туманларидаги бир қатор қўшма корхоналарнинг касаба қўмиталари бу борада режали фаолият юритаётир.

ЕТАКЧИ ҚАТЪИЯТЛИ БЎЛСА

М. Тўлаганова: Такомиллашиб бораётган бозор иқтисодиёти муносабатлари қўшма корхона касаба қўмиталарининг амалий ташкилотчилик фаолиятининг янги, самарали шакл ва усулларини излашни тақозо этаётир. Сир эмас, муайян корхонага ўз сармоясини киритувчи хорижий инвесторнинг асосий мақсади – қисқа муддатда энг кўп ва нақд даромад олиш. Бинобарин, унинг барча саъй-ҳаракатлари шу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилади. Бундай шароитда кўп нарса касаба етакчисининг умумий тайёргарлик даражаси, ишлаб чиқаришни билиши, меҳнат хусусиятларини тўғри баҳолай олишига боқлиқ.

Н. Ефимова: Тўғри, давр касаба ташкилотларининг етакчиларига алоҳида талаблар қўяяпти. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг сўнгги қурултойида улар мукаммал таърифланди. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида ҳам бу талаблар алоҳида таъкидланган. Айни пайтда, қонунларимизни ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида такомиллаштириш давом этаяпти. Касаба идоралари бу хусусда аниқ таклифлар ва тавсиялар билан чиқаяпти.

М. Тўлаганова: Касаба етакчилари шуни унутмасликлари керакки, меҳнат аҳлининг ҳақ-ҳуқуқларини кафолатловчи қонунларнинг қабул қилиниши уларда кўзда тутилган қоидалар ўз-ўзидан тўлатўкис бажарилаяпти, деган сўз эмас. Шу боис касаба уюшмалари қонунчиликда берилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, уларда кўзда тутилган меъёрларга қўшма корхоналар маъмуриятлари томонидан қандай амал қилинаётганлигини мунтазам назорат қилиб боришлари керак.

Б. Абдуллаев: Ўз ишини аниқ, пишиқ-пухта ва самарали ташкил этиш учун касаба етакчиси корхонада кечаётган ишлаб чиқариш-молиявий жараёнлардан тўла хабардор бўлиши керак. Айтайлик, мен учун бу осон, ҳал бўлган масала. Чунки, бизда амал қилаётган меъёрий ҳужжатларда касаба қўмитасининг раиси Кузатув кенгашига киритилиши кўзда тутилган. Унинг аъзоси эканлигим менга тегишли ваколат беради.

Н. Ефимова: Лекин барча қўшма корхоналарда ҳам аҳвол бундай эмас. Корхона эгалари ҳамиша ҳам касаба қўмиталарининг қарорлари, таклифлари ёки тавсияларига эътибор беравермайдилар.

Б. Мирзаев: Маъмурият билан тенгма-тенг ижтимоий шерикчиликни амалга ошириш учун қонунчилик ва бошқа меъёрий асосларни такомиллаштириш керак.

Б. Абдуллаев: Касаба уюшмаларининг марказий ва маҳаллий идоралари қўшма корхона ташкил этилаётган ва рўйхатдан ўтаётган босқичдаёқ сармоядорлар билан ишлашлари лозим. Бу кейинчалик ишловчилар билан меҳнат шартномаларини тузиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, даромадларни тақсимлаш ҳатто, корхона олдисотдисида ҳам касаба қўмиталари изчил, қонун юзасидан иш олиб боришларини таъминлайди.

Б. Мирзаев: Ривожланган мамлакатларда касаба уюшмалари ишловчиларнинг 95 фоизини қамраб олган. Бизнинг асосий муаммомиз – қўшма корхоналарда ишловчиларни касаба уюшмаси хизмати билан қамраб олишни кенгайтиришдан иборат.

М. Тўлаганова: Яна эътиборингизни касаба етакчисининг савиясига қаратмоқчиман. Инвестор билан тенгматенг даражага кўтарила олиш учун етакчи жамоадаги вазиятни, ишлаб чиқаришдаги ҳолатларни яхши билиши, таҳлил қилиб, зарур оқилона қарорлар чиқара олиши керак.

Т. Норматов: Касаба етакчиси икки томонлама сиқув остида фаолият олиб боради. Бир томонда – иш берувчининг манфаатлари, иккинчи томонда – ишловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари туради. Шундай шароитда ягона тўғри йўлни топиш мураккаб, оғир. Шу шароитда ишлаш учун касаба етакчисининг билим доираси кенг, хатти-ҳаракати, ҳар бир сўзи амалдаги қонунларга ва жамоа шартномаси қоидаларига ҳамоҳанг бўлиши керак.

Б. Мирзаев: Назаримда тармоқ касаба уюшмалари марказий кенгашлари, шунингдек, касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари кенгаши тегишли давлат бошқарув идоралари, хўжалик ташкилотлари билан битимларга муайян қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш пайти келди. Улар, жумладан, қўшма ва хорижий сармояли корхоналарда ишловчиларнинг ваколатли вакили – касаба қўмиталари фаолиятининг йўналишларини белгиловчи қоидалар билан тўлдирилиши лозим.

М. Тўлаганова: Вилоятимизда бундай мулк эгалари билан ижтимоий шерикчиликнинг муайян амалий тажрибаси бор. Кўпгина қўшма корхоналарнинг касаба қўмиталарида ижтимоий-иқтисодий манфаатларни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, маданий-оммавий, спорт-соғломлаштириш, хотин-қизлар масалалари ва ташкилий-оммавий ишлар бўйича комиссиялар муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Б. Абдуллаев: Биз сўнгги бир йилда цех касаба қўмиталари билан 12 марта йиғилиш қилдик. Корхона касаба қўмитаси раёсатининг 15 та мажлисини ўтказиб, комиссияларнинг ишини талабчанлик билан баҳолаб бордик, тегишли йўл-йўриқлар бердик. Таъкидлаш керакки, бизда ижтимоий суғурта, умумий овқатланиш корхоналари ишини назорат қилиш ва ёшлар билан ишлаш бўйича комиссиялар ҳам самарали иш олиб бораётир.

Н. Ефимова: Қўшма корхоналарда меҳнаткашларни ҳимоялаш механизми яратилган. Унинг энг муҳим омилларидан бири – жамоа шартномаси. Меҳнат билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солишда ушбу ҳужжат тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

М. Тўлаганова: Жамоа шартномаларида тармоқ келишувлари ва меҳнат кодекси талабларига қўшимча бир қатор имтиёзли меъёрлар назарда тутилган. Масалан, «Интер-Роҳат», «Дека», «Ғазалкент-ойна» қўшма корхоналарида ходимлар иш стажига қараб, 3 кундан 9 кунгача ҳақ тўланадиган қўшимча таътил олишади. Икки ва ундан ортиқ 12 ёшгача фарзанди бўлган ишловчи аёллар ҳам шундай имтиёзга эга.

Э. Раҳмонова: Жамоа шартномалари қабул қилинган кўплаб қўшма корхоналарда ишловчилар миллий байрамларда республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида мукофот ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланаётир. Ишловчилар учун маданий-маърифий тадбирлар, таниқли санъаткорлар иштирокида концертлар, спорт мусобақалари, кўрик-танловлар ташкил этилмоқда. Айтайлик, «Оҳангарон рангли цемент» қўшма корхонасида ўтган йили ижтимоий ҳимояга қаратилган тадбирларга жамоа шартномаси талаблари асосида ҳар бир ходим ҳисобига бир миллион 361 минг сўм маблағ сарфланди.

Б. Абдуллаев: Касаба қўмитамиз бундай имтиёзлар кўлами кенгайиб боришига эришмоқда. Улар жамоа шартномасида мустаҳкамлаб қўйилган. Чунончи, ўтган йили тиббий реабилитация марказимизда 1309 ишловчи ва пенсионер соғломлаштирилди. Бунинг учун корхона 190,7 миллион сўм сарфлади.

Э. Раҳмонова: «Максам-Чирчиқ» корхонасида ходимлар ва уларнинг фарзандларини дам олдириш ва соғломлаштириш, тарихий жойлар бўйлаб экскурсиялар, саёҳатлар ташкил этиш одат тусига кирган.

Б. Абдуллаев: Корхонамизда ёш оилаларга уй-рўзғорни тиклаб олиш учун фоизсиз кредит ажратилаётир. Фақат биринчи чоракда бешта ёш оила 4,2 миллион сўмга яқин шундай кредит олди.

МУАММОЛАРИМИЗНИ ИЗЧИЛ ҲАЛ ЭТАЙЛИК

М. Тўлаганова: Дарҳақиқат, янги шароитларда қўшма корхоналарда иш олиб боришнинг муайян тажрибасига эгамиз. Аксарият корхоналарда жамоа шартномалари асосида энг кам иш ҳақи миқдори ҳукумат томонидан белгиланганидан 1,5-2 баробар юқори даражада тўланмоқда. Ишчи ва хизматчиларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Юқори унумли дастгоҳ ва ускуналар тобора кенг жорий этилаяпти.

Бироқ, шу сингари ижобий натижалар билан бир қаторда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, хом ашё ва материаллар таъминотидаги узилишлар туфайли айрим қўшма корхоналар муайян муддатга тўхтаб қолмоқда. Зарарли ишда банд бўлганлар сут маҳсулотлари билан етарли ва мунтазам таъминланмайди.

Н. Ефимова: Назаримда, биз қўшма корхоналарга ҳуқуқий ёрдамни кучайтиришимиз керак. Шу мақсадда меҳнат кодекси, бошқа қонунлар, касаба уюшмалари идораларининг қарор ва дастурлари, тармоқ ва ҳудудий битим ҳамда келишувлар, бошқа меъёрий ҳужжатлардан тегишли бандларни ажратиб олиб, бу тоифа касаба етакчиларига қўлланма тариқасида жамлаб беришимиз керак.

М. Тўлаганова: Шу ўринда яна бир таклиф: қўшма корхоналар касаба қўмиталари раисларининг доимий ҳаракатдаги мактабини ташкил этиш вақти келди. Ўйлайманки, унинг машғулотларига ҳали касаба уюшмалари хизмати билан қамраб олинмаган қўшма корхоналар меҳнат жамоасининг вакилларини ҳам жалб этиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Б. Мирзаев: Ғоҳида қўшма корхоналарнинг ходимларини касаба уюшмаси хизмати билан қамраб олишда муайян қийинчиликлар юз бермоқда. Шундай мактабнинг ташкил этилиши бу ишда ижобий силжишга олиб келиши шубҳасиз.

Б. Абдуллаев: Бу борада тармоқ касаба уюшмаларининг марказий кенгашлари алоҳида фаоллик ва қатъият кўрсатиши керак.

Т. Норматов: Афсуски, улар республика хўжалик идоралари ва маҳаллий ҳокимликлар билан бу борада етарли ҳамкорлик қилмаётир.

М. Тўлаганова: Биз вилоят ҳокимлиги, унинг бошқарма ва бўлимлари билан бу йўналишдаги ҳамкорлигимизни кучайтирмоғимиз лозим. Ҳозирча эса, вилоят касаба идораларимиз бу борада етарли даражада амалий иш олиб бормаётир. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугун вилоятимиз қўшма корхоналарида меҳнат қилаётган ҳар учинчи ходим касаба уюшмаларига аъзо эмас. Бу уларнинг ижтимоий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқлари тўлақонли ҳимояланишида муайян кемтиклик келтириб чиқараётир.

Ёки бошқа бир муаммони олиб кўрайлик. Бугун касаба уюшмалари хизмати билан қамраб олинган қўшма корхоналарнинг 20 фоиздан зиёдида жамоа шартномалари тузилмаган.

Булар нимани кўрсатади? Биринчидан, касаба идораларимиз қўшма корхоналар бошқарувлари, иккинчидан, бевосита шу тоифа корхоналарда ишловчилар билан етарли иш олиб бормаётир. Касаба уюшмаларининг барча даражадаги идоралари қўшма корхоналарда ишловчиларни аъзоликка ундовчи омилларни кучайтириши керак. Тушунтириш ва тарғибот, амалдаги тажрибаларни кенг оммалаштириш бу тоифа иш берувчилар ҳамда ёлланма меҳнатчилар ўртасида босқичма-босқич ўзаро замонавий муносабатларга ўтишнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси МУҲАЙЁ ТЎЛАГАНОВА:

– Касаба уюшмаларининг хорижий сармоя жалб этилган корхона эгалари билан ўзаро муносабатлари жамоа шартномалари орқали белгилаб қўйилади. Бу ҳужжатлар қўшма корхоналар ишчи-хизматчиларини ишончли ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг асосидир.

Вилоят касаба кенгаши ҳуқуқшуноси НАДЕЖДА ЕФИМОВА:

– Назаримда қўшма корхоналар ва Ўзбекистон Республикасида улар фаолиятининг қонунчилик асосларини янги қўшимчалар билан тўлдириш пайти келди.

«Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамияти касаба қўмитаси раиси БАХТИЁР АБДУЛЛАЕВ:



– Ижтимоий инфратузилмалари шаклланган корхоналарда аъзолик бадалларини марказлаштириш тамойилига дифференциал ёндошув лозим. Акс ҳолда бошланғич ташкилотларда зарур пайтларда ишловчиларни амалий жиҳатдан ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш учун етарли маблағ жамғарилмайди. Бу одамларда аъзоликка иштиёқни сусайтиради.

«TAG-OPTINUR» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси касаба қўмитаси раиси САБУРА УМАРОВА:

– Жамоа шартномасида ишчи-хизматчиларимиз учун қўшимча таътил кунлари кўзда тутилган. Ҳатто, ўқув йили бошланишида фарзандини биринчи синфга олиб борган ота ёки она иш ҳақи сақланган ҳолда бир кун ишдан озод этилади. Ходимларимиз бошқа имтиёзларга ҳам эга.

Ўзбекистон Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси вилоят кенгашининг раиси БАҲОДИР МИРЗАЕВ:

– Тармоқдаги қўшма корхоналарда жамоа шартномалари орқали ходимларга 6-9 кунгача ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб олиш, таътилга, пенсияга чиқаётганда моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий кўрик, овқатланиш ва йўл харажатларини, кам таъминланган оилаларнинг коммунал тўловларини қоплаш кўзда тутилган.

«Ғазалкент-ойна» Ўзбекистон-Англия қўшма корхонаси директорининг ўринбосари, касаба қўмитаси раиси ТОЛИБ НОРМАТОВ:

– Сўнгги бир йилда ходимларимизнинг ўртача ойлик маоши деярли 1,5 марта ошди. Айни пайтда ишчи ва хизматчиларга бир йилда деярли 7 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Шу йилнинг биринчи чорагидаёқ ходимларимиз 3 миллион 253 минг сўм миқдорида моддий ёрдам олишди.

Вилоят касаба кенгаши маънавий-маърифий ва спорт ишлари бўлимининг мудири ЭЪТИБОРХОН РАҲМОНОВА:

– Хорижий сармояли корхоналарда Ёшлар йили учун ғоят кенг кўламли тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилди. Улар ёш мутахассисларнинг моддий ва маънавий шароитларини яхшилаш, тарихий шаҳарларимизга, театр, цирк ва пойтахт истироҳат боғларига экскурсияларни ўз ичига олади.

«Интер-Роҳат» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси касаба қўмитаси раиси ҚУТБИНИСА УСМОНОВА:

– Корхонамиз акцияларининг 90 фоизи чет эллик сармоядорларга сотилган. Бундай шароитда ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш осон эмас. Бунда менинг корхона кузатув кенгашининг аъзоси эканлигим муҳим омил бўлмоқда.

Материалларни «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Жўра САЪДУЛЛАЕВ ва Еркебой БОТИРОВ (суратлар) тайёрлашди.

ЭРТАКЛАР — ЯХШИЛИККА ЕТАКЛАР

МУРҒАК қалбларга эзгулик уруғини қадаб, инсонийлик меваларини етиштиришга муносиб улуш қўшаётган санъаткорларимиз кўп.

Тошкент тумани ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бўлими қошида ташкил этилган қўғирчоқ театри артистлари Раимжон Жўраев ва Рўзимбой Оллоназаров болажонлар чеҳрасидаги қувонч ва шодликдан руҳий қувват оладилар.

– Дунёда болаларнинг кўнглини олиш, уларга олам шодлигини ҳадя этишдан ортиқ бахт бўлмаса керак, – дейди Рўзимбой. – Лекин улар ҳам бўлар-бўлмасга кулиб, қувонавермайди. Бу борада зиммамиздаги масъулият юки ҳам кучли.

– Болалик дунёсини ўзига хос роҳати бўлади, – дейди Раимжон. – Беғуборлик, самимийлик боғидаги гуллар ҳеч қачон сўлмасин, завол кўрмасин.

Саида РАҲМОНОВА.

СУРАТДА: қўғирчоқ театри артистлари Раимжон Жўраев ва Рўзимбой Оллоназаров.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

AMIR TEMUR HIKMATLARI

Yaxshini yomon kunda sina.

* * *

Aqlli dushman nodon do`stdan yaxshiroq.

* * *

Kuch adolatdadir.

* * *

Bir kunlik adolat yuz kunlik toat-ibodatdan afzal.

* * *

Birni ko`rib fikr qil, birni ko`rib shukr qil.

* * *

Adlu ehson bilan jahon gulshani mazmunli obod bo`ladi.

* * *

Lochinning ucharga madori qolmasa, chumchuqqa masxara bo`ladi.

* * *

Bir kun keladiki, zolim o`z barmog`ini tishlaydi.

* * *

Adovat emas, adolat yengadi.

* * *

Betkay ketar bel qolar, beklar ketar, el qolar.

* * *

Bilagi zo`r birni yengar, bilimi zo`r – mingni.

* * *

Bir kalima shirin so`z qilichni qinga kiritar.

Bir tayoqni sindirmoq mumkin. Ko`p tayoqni bukib bo`lmas.

* * *

Dushmandan qo`rqma, munofiqdan qo`rq.

* * *

So`zlaguvchi gar nodon erur, tinglaguvchi dono bo`lsin.

* * *

Eng baland minora ham yerdan ko`tariladi.

* * *

Yaxshi odam yurt tuzar, yomon odam yurt buzar.

Чирчиқ шаҳридаги ҳажми 500 тонна бўлган музлаткич **ижарага берилади.** Ўртачирчиқ тумани Туябўғиз қўрғонида жойлашган, фойдали майдони 180 кв.м. бўлган савдо дўкони **СОТИЛАДИ.** Телефонлар: 252-11-34, 252-11-75.

ШУ ЙИЛНИНГ 19-25 апрель кунлари юртимиз бўйлаб велоспортчилар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ташаббуси билан ўтказиладиган «Камолот-Тур» 1-миллий ёшлар веломарафонида иштирок этишади.

ВЕЛОМАРАФОН ЁШЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Мазкур веломарафонни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда таъкидланишича, бу спорт байрамини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад «Ёшлар йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада кучайтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, оммавий спортга кенгроқ жалб этишдир.

Баҳслар давомида профессионал велопойгачилар билан бир қаторда ҳаваскор спортчиларнинг иштироки кутиляпти. Республика Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Олий ва ўрта махсус таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тадбирда ўз ёрдамлари билан бевосита иштирок этишаяпти.

Веломарафон уч йўналишда старт олади. Булар Нукус – Тошкент, Термиз – Тошкент ҳамда Фарғона – Тошкент йўналишларидир. Вакилларимиз бу мусобақаларда муносиб иштирок этиш учун қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

– Қолаверса, Ангрен шаҳрида ҳам махсус ҳозирлик кўриляпти. Чунки спортчилар Фарғона – Тошкент йўналишида кета туриб, Ангрен шаҳрида тўхтаб ўтишади, – деди мусобақалар ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раҳбари Тўхтасин Арслонов. – Бу ерда дастур доирасига кўра таниқли спортчилар, санъаткорлар ва маданият ходимлари иштирокида давра суҳбатлари, учрашувлар ва бошқа қатор маданий тадбирлар ўтказилади.

Хуррият МЎМИНОВА.

Диққат, танлов!

«ОЛИМПГА ЙЎЛ!»

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси Ўзбекистон матбуоти, радио ва телевидение ходимлари учун «Олимпга йўл!» танловини эълон қилади.

Танловга Хитойнинг ўтмиши ва бугуни, унинг иқтисодиёти, фани, маданияти, таълими, Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги кўп томонлама алоқалар, Пекинда ўтказиладиган XXIX Олимпия ўйинларига тайёргарликнинг бориши, Ўзбекистон спортчиларининг «Пекин – 2008» Олимпия саралаш мусобақаларида иштироки тўғрисидаги материаллар тақдим этилади.

Шунингдек, танловга 2008 йил 1 январдан 30 июлгача бўлган даврда босилган, радиода эшиттирилган, телевидениеда кўрсатилган ва электрон воситалар орқали эълон қилинган материаллар санаси кўрсатилган ҳолда, бундан ташқари муаллифнинг паспорт маълумотлари, тўлиқ уй манзили ва телефон рақами ҳам жўнатилади.

Барча материаллар 2008 йил 1 августга қадар етказиб берилиши лозим.

Танлов ғолиблари ва совриндорларини Хитойга бепул туристик йўлланма, қимматбаҳо ва эсдалик совғалари кутмоқда.

Қўшимча ахборот, шунингдек, материалларни жўнатиш учун электрон манзил: E-mail-service@olimpic.uz.

Дарвоқе

ОЛАРДА КИРАР ЖОНИМ...

Томорқада ер текислаётгандим, кимдир:

– Ҳорма! – деб қолди.

Қарасам, қўшним Аббоснинг отаси Бердибой амаки. У ҳар галгидек, қўлини белига тираб, ишимни кузатаётган экан.

– Оббо, болаларни ишлатсанг бўлмайдими? Унақада иликка тушган қуртдек, боқиманда бўлиб қолишади-ку. Ишқилиб, ўғилларинг кечаси изғиб, кундузи мизғийдиганлардан эмасми?

– Худо асрасин, – дедим энсам қотиб. – Улар ҳам зарур юмуш билан банд. Куч етганча ҳаракат қилаяпман-да.

– Ке, қўй, ўтир, озроқ у ёқ-бу ёқдан сўзлашайлик. Бу иш деган савилни отаболаримиз ҳам адоғига етказишолмаган.

Бердибой аканинг феъли менга маълум. «У ёқ-бу ёқдан сўзлашайлик» деб қолдими, тамом. Бир амаллаб ёнига ўтказиб олгач, гап халтаси очилади. Мен шу топда ҳеч адоғи йўқ сўровларига жавоб беришга кўзим учиб турмаганлигини айтолмайман. Амакининг эса, менинг аҳволим билан иши йўқ.

– Токинг кўкараяптими? – биринчи сўров шундан бошланади.

– Ҳа.

– Ҳосили борми?

– Насибага лойиқ.

– Бизнинг боғларда ҳосил йўқ. Энди ҳолимиз не кечади?

– Аҳволингизга нима қилибди? – саволга савол билан жавоб қиламан зардам қайнаб. – Ўғил-қизлардан қутулгансиз. Ҳар бирининг остида машинаси, оғилхонасида бир-иккитадан моли бўлса, яна тижорат билан шуғулланишса...

– Ҳарна дармон-да, ука.

Бердибой амакига озгина ён бериб, ҳаккалак отган нафсига сув пуркаб юборсам борми, қулоғимни қоматга келтириши тайин. Шу боис тилни танглайга босдимда, аламимни кетмондан олдим. Бердибой амаки пиёладаги яхна чойни ютоқиб ичгач, гапни давом эттирди:

– Тунов куни газчилар келиб, қувуримни кесиб кетишибди. Сеникини кесишмадими?

– Йўқ.

– Ука, гапнинг рости мен хурсанд бўлдим. Уч ой ёз газ нега керак? Ўтин ёқиб ҳам қозон қайнатса бўладику. Ҳарна газ ҳақини тўламаймиз.

– Чироқ-чи, чироқсиз ўтира оласизми?

– Чироқсиз қийин бўлади. Янганг дилбузорсиз чидолмаса керак.

Шундан сўнг сўровни мен бошладим:

– Чироқ ҳақини тўлаганмисиз?

– Йўқ.

– Газ ҳақини-чи?

– Тўламагансизлар, деб кесиб кетибди-да.

– Чойсиз туролмайсиз, сувдан қарзингиз йўқми?

Бердибой амакининг дафъатан туси ўзгарди, кўзлари ола-кула бўлиб сўради:

– Ия, ҳали сув ҳақи ҳам бўйнимиздами?

– Худди шундай. Ҳақини тўламай туриб, текинга сув ичаман деганлар чучварани хом санашади. Емоқнинг қусмоғи бор, амаки.

Бердибой ака бўшашиб ўрнидан турди:

– Бунисидан бехабар эканман. Яхши айтдинг, ўртанча ўғлим катта кран сувга елим ичак улаб, боғ суғораётганди. Тезроқ бориб айтай, бас қила қолсин. Накд пулга олган қувурдан ажралиб қолмайлик.

Бердибой амаки кетди. Мен ҳаммомнинг иссиқхонасидан чиққандай енгил тортдим...

Собиржон ИНОМОВ.

Об-ҳаво

Республика гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 16 апрель куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-10, кундузи 20-22 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-13, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

Республиканинг тоғли туманларида ҳаво ўзгариб туради, айрим туманларда вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади, жойларда шамолнинг тезлиги секундига 15-20 метргача кучаяди. Кечаси 3-8, кундузи 6-11 даража иссиқ бўлади.

Айтишларича

КЎЗГА СУНЪИЙ ПАРДА



Францияда кўз пардасини сунъийси билан алмаштириш операцияси муваффақиятли якунланди. Париждаги "Кенз-Вен" шифохонаси профессори Жозе Саэлнинг сўзларига кўра, мамлакатда биринчи марта амалга оширилган ушбу операция натижасида кўз пардаси касалланиши туфайли кўрмай қолган бемор яна кўриш бахтига муяссар бўлган.

Маълумотларга қараганда, сунъий парда кўплаб электродлар – фоторецепторлар ва нейрон тўқималаридан ташкил топган. Электродлар ёруғликни электрик импульсга айлантиради ва марказий нерв тизимига йўналтиради.

ЎзА.

Жиноятга жазо муқаррар

ТЕКИНИ ТАННИ ТОЗА ҚИЛАДИ

дейиш оқибатида суднинг қора курсисига ўтирган кишининг бугунги ва эртанги ҳаётига доғ тушади, қолган бутун умри давомида ўчмас тамға бўлиб қолади

Гапдан гап чиқиб, бир қўшнимиз шундай деб қолди:

– Яратганнинг чеварлигига гап йўқ. Бандаларни минг кўйга солиб, синайди. Бировга кетма-кет, устма-уст бераверади. У ҳам ҳалолми, ҳаромми, суриштирмай олаверади. Олгани сари, яна берса, дейди, тўймайди. Бошқа бировни омаддан шундай қисадики, оғзидагини ҳам тўла ютолмайди, борига шукр қилишга мажбур. Мени ҳам шу иккинчи тоифа қаторида яратганми, ердан бир сўм топиб олсам, ёнимдан ўн сўм қўшиб йўқотаман.

Бошқаларни билмадигу, бизнингча, қўшнимизнинг шу соддагина фалсафасида қандайдир даражада ҳақиқат бордек. Унинг ўзидан қиёс. Ҳаромдан ҳазар қиладиган пок одам. Ҳалол меҳнати ҳисобига яшайди. Егани олдида, емагани кетида бўлмасада, турмуши тўкин.

Бу гапларни айтаётганимизнинг боиси бор. Чирчиқ шаҳар судининг бир жиноий иш юзасидан очиқ суд мажлиси тафсилотларига оид расмий ҳужжатлари билан танишар эканмиз, у қўшнимизнинг фалсафасини ёдимизга солди. Ушбу суд ҳужжатларида, қўшнимизнинг таъбири билан айтганда, «Аллоҳ берган» одамларнинг босар-тусарларини билмай, миллион-миллион пулларни кўнгиллари истаганча талон-торож қилиб, кўкка совурганлари далил ва исботи билан баён этилган.

Суд мажлиси маълумотларига қараганда, 2006 йилнинг 22 августида Чирчиқдаги «Қурилиш АХТ» хусусий корхонаси шу шаҳардаги «Фаровон», «Оталиқ», «Барака Сервис», «Камолот» уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан йигирмага яқин кўп қаватли, 1991 йилгача қурилган уйнинг том қисмларини капитал таъмирлаш бўйича умумий қиймати 68 миллион сўмлик ишларни бажариб бериш юзасидан шартнома тузади. Шу тариқа уч томонлама расмийлаштирилган ушбу қонуний ҳужжатга вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг» компанияси бош мутахассиси П. Сидоров (айрим мулоҳазаларга кўра исм-шарифлар ўзгартирилган) бош буюртмачи, юқорида санаб ўтилган уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари буюртмачи ҳамда «Қурилиш АХТ» хусусий корхонаси директори А. Эламасов бош пудратчи сифатида имзо чекдилар.

68 миллион сўм озмунча пул эмас. Бажарилиши лозим бўлган қурилиш-таъмирлаш ишларининг ҳажми ҳам шунга яраша. Йигирмага яқин кўп қаватли эски уйларнинг том қисмларини тубдан таъмирлашнинг ўзи бўлмайди. Тахта-ёғоч, сақич, рубероид дегандек, беҳисоб қурилиш ашёлари сарфланади. Шунча нарса қайси уйнинг қайси том қисмига қоқилгани-ёпилганини ким ҳам санаб-ўлчаб, аниқлай оларди? Қолаверса, шундай катта ҳажмдаги буюртмани Аллоҳнинг ўзи етказиб, «ол, қулим» деб турса, бундай имкониятдан фойдаланиб қолмаганнинг ўзи...

«Қурилиш АХТ» хусусий корхонаси директори шундай хаёлларга борган деёлмаймиз, бунга аниқ далилимиз йўқ. Аммо, очиқ суд мажлисининг ҳужжатларида А. Эламасовнинг вилоят ҳокимлиги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси бош мутахассиси П. Сидоров билан юқорида айтилган кўп қаватли уйларда бажариладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари учун ажратилган 68 миллион сўм бюджет маблағларининг бир қисмини иш ҳажмини сунъий равишда ошириб кўрсатиш орқали талон-торож қилиш тўғрисида олдиндан жиноий тил бириктирганликлари аниқ-тиниқ қилиб ёзиб қўйилган.

Уч томонлама тузилган шартномада кўрсатилган қурилиш-таъмирлаш ишлари асосан «Қурилиш АТХ» хусусий корхонаси директорининг ўринбосари Қ. Дўсбоев назорати остида 2007 йил август-декабрь ойлари давомида амалга оширилган. Аммо, жиноий ишлар фош бўлгач, у сувдан қуруқ чиқиш мақсадида, аввалига бу кўп қаватли уйларда бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишларига хизмат вазифаси юзасидан алоқаси бўлмаганлиги, унда иштирок этмаганлиги, назорат қилмаганлиги ва текширмаганлиги, амалда бажарилмаган ишлар қўшиб ёзилиб, айрим ҳужжатлар қалбакилаштирилганини билмаганлиги ҳақида ёлғон кўрсатмалар берди. Бўлар иш бўлиб, қинғир ишнинг қийиғи чиққач эса, жиноий айби ошиб, жазо ҳам жиддийлашишидан чўчиб, ниҳоят, содир бўлган ҳолат юзасидан тўғри кўрсатмалар беришга мажбур бўлди. Қолаверса, қўшиб ёзишларнинг келиб чиқиш сабабларига унинг бевосита алоқаси борлиги тергов идораси томонидан тўлиқ исботлаб, асослаб берилган эди.

Буни суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган М. Салимбоевнинг кўрсатмалари ҳам яққол тасдиқлайди. У А. Эламасов ва Қ. Дўсбоевнинг кўрсатмасига биноан Чирчиқ шаҳри Усмон Носир ҳамда Алишер Навоий кўчаларидаги саккизта уйнинг том қисмида амалга оширилган таъмирлаш ишларига иш юритувчи сифатида бошчилик қилган. Зеро, у қурувчи-мутахассис сифатида фақат таъмирлаш ишларини маромида бажаришни билади, холос. Бажарилган ишлар юзасидан ҳужжатларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисоб-китобларига «тиши ўтмайди». Қ. Дўсбоевнинг бундан хабари бўлганми, бўлмаганми, буниси бизга қоронғу. Бироқ, у томонидан «Бажарилган ишларни қабул қилиш тўғрисида», «Ишларнинг бажарилганлиги тўғрисида», «Бузиш ҳолатларини гувоҳлантириш тўғрисида» тақдим этилган далолатномаларга М. Салимбоев имзо чекади.

Шу ўринда унинг суд мажлисида гувоҳ сифатида берган кўрсатмасидан парча келтириш лозим бўлади: «Эътибор қилинса, бу ҳужжатларнинг бирортасида амалга оширилган иш ҳажми, уларга сарфланган харажатлар тўғрисида маълумотлар йўқ. Ишларнинг амалга оширилиши тўғрисида расмийлаштириш лозим бўлган бирламчи бухгалтерия ҳужжатларига алоқам бўлмаганлиги боис, қайд этилган ишларнинг бажарилганлиги тўғрисидаги маълумотларни умумий тарзда тасдиқлаб бердим. Қ. Дўсбоевнинг кўрсатмаси асосида далолатномага унда исм-шарифлари қайд этилган шахсларга имзо қўйдириб чиқдим. Лекин бу шахсларнинг ҳеч бири ишларнинг томида бажарилган ишлар ҳажмини ўлчаб кўрмади».

Қ. Дўсбоевнинг суд мажлисида судланувчи сифатида берган қуйидаги кўрсатмалари ҳам М. Салимбоевнинг гапи тўғри эканлигини тасдиқлайди: «Ф-2 ва ф-3 шаклидаги далолатномаларни расмийлаштириш чоғида ишларнинг бажарилганлиги тўғрисидаги маълумотларни А. Эламасовнинг кўрсатмасига биноан лойиҳа ҳужжатларидаги маълумотларга мослаштириб туздим ва унинг ўзига имзо қўйиш учун тақдим этдим.

Ваҳоланки, назорат ўлчовида қайд этилган ишларнинг том қисмида таъмирлаш ишлари турли сабабларга кўра ниҳоясига етказилмаган, ҳужжатлар эса, аслида ишлар бажарилмасиданоқ расмийлаштирилгани боис жами 14 миллион 75 минг 51 сўмлик бажарилмаган иш қўшиб ёзилиши ва бу маблағнинг «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг» компанияси томонидан ҳеч қандай асоссиз тўланишига йўл қўйилган».

Шундай қилиб, Чирчиқ шаҳар суди очиқ суд мажлиси жараёнида ушбу жиноий иш юзасидан тергов материалларини атрофлича ўрганиб, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, одил ҳукм чиқарди. А. Эламасов билан Қ. Дўсбоев бажарилмаган ишлар, иш соатлари учун ҳақ сифатидаги меҳнат харажатлари, қурилиш ашёларининг нархи, бошқа материаллар сарфи, транспорт хизмати ва пудратчининг бошқа харажатлари ҳисобига қўшиб ёзишлар орқали давлат бюджетига 14 миллион сўмдан зиёд зарар етказдилар. Судланувчилар айбларига тўлиқ иқрор бўлдилар. Яъни, масъул мансабдор шахс бўла туриб, шахсий манфаатларини кўзлаб, ўзларига ишониб топширилган ва ўз жавобгарликларида бўлган катта миқдордаги маблағни гуруҳ бўлиб, олдиндан жиноий тил бириктириб, талон-торож қилганликларини тан олдилар.

Ниҳоят суднинг адолатли ҳукми ўқиб эшиттирилди. А. Эламасовга давлат фойдасига 20 фоиз ҳақ ундириш йўли билан 3 йил, Қ. Дўсбоевга эса 2 йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. Шунингдек, А. Эламасов давлатга етказган зарарини қоплаш мақсадида ихтиёрий равишда 11 миллион сўм пул топширди.

Яна бир одил судлов шу тариқа якун топди. Аммо у қолдирган нохуш асорат ҳам аста-секин бўлсада, йўқ бўлиб кетармикин? Бундай дейишимизнинг боиси бор. Биринчидан, айрим уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбарларининг судда гувоҳлик берганларига қараганда, миллион сўмлаб маблағлар талон-торож қилинганлиги сабабли кўп қаватли уйлар томидаги чала ишлар ҳамон охирига етмаган, айрим уйларнинг томидан чакка ўтиб, хонадон эгаларига ташвиш орттираяпти.

Иккинчидан, борига қаноат қилмай, ҳарам-хариж кетидан беҳуда қувиш оқибатида илгари судланмаган икки мансабдор шахс суднинг қора курсисига ўтириб, жиноятчи номини олди. Энди бу доғни ювиб ёки ўчириб ташлашнинг иложи бормикин? Белгиланган жазо муддати ўтар, аммо...

Шундай экан, покдомон қўшнимиздан ўрнак олиб, ҳалол меҳнат билан топилганига шукр қилиб, бировдан олдин, бировдан кейин бўлсада, хотиржам яшаган яхши эмасми?

Самад ЙЎЛДОШ.

Янгийўл туманидаги 44-ўрта мактаб томонидан 1998 йилда Худаяров Адҳам Шадимуратович номига берилган U № 378689 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Сергели туман ҳокимлиги томонидан 2006 йил 24 майда "Тошкентвилоятулгуржисавдо" МЧЖга (ОКПО 14825738) берилган УС № 01384 рақамли улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Пскент туманидаги 31-мактаб томонидан 2004 йилда Абдураззоқова Раъно Усканова номига берилган O`R-A № 370900 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилоят Давлат педагогика институти томонидан 1998 йилда Юсупова Дилноза Курбанкуловна номига берилган 239255 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"Қалам" реклама-тижорат агентлиги қўшма корхонаси (ИНН 200813873, ОКПО 15042990) **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 236-58-58 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

«DILOROM-XIDOYAT» масъулияти чекланган жамияти шу ном билан хусусий корхонага айлантирилади ва унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Тел: 227-18-91.

Утерянное свидетельство о регистрации № 211 от 31.10.1995 г. и круглую печать Ташкентского областного отделения Республиканского объединения воинов-ветеранов (интернационалистов), **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-340. Адади 9050. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.45. 1 2 3 4 6 7 8